

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВ БАЙРАМ ПАШАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТУҒМА ОРҚА МИЯ ЧУРРАЛАРИНИНГ
ДИАГНОСТИКАСИНИ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35. - Болалар хирургияси
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алиев Байрам Пашаевич

Болаларда туғма орқа мия чурраларининг
диагностикасини ва хирургик даволашни
оптималлаштириш

..... 5

Алиев Байрам Пашаевич

Оптимизация диагностики и хирургического лечения врожденных
спинномозговых грыж у детей 38

Aliev Bayram Pashaevich

Optimization of diagnosis and surgical treatment
of congenital spinal hernia in children 74

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 76

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВ БАЙРАМ ПАШАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТУҒМА ОРҚА МИЯ ЧУРРАЛАРИНИНГ
ДИАГНОСТИКАСИНИ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35. - Болалар хирургияси
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.PhD/Tib6115 рақами остида рўйхатдан ўтказилди.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилди. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (хулоса)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.sammu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Азамат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Киров давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси «___» _____ 2026-йил соат___да СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникасида Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М. Улугбек кўчаси, 70А-уй. Тел./факс: +99866-233-78-86, +99866-233-78-83; e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй Тел./факс: +99866-233-30-34.

Диссертация автореферати «___» _____ 2026-йил тарқатилди.
(2026-йил «___» _____даги № реестр баённомаси).

Н.М.Шавази

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О.Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Туғма орқа мия чурралари (spina bifida) болаларда эмбриогенезнинг дастлабки босқичларида асаб найчаси ёпилишининг бузилиши натижасида юзага келадиган марказий асаб тизимининг энг оғир ривожланиш нуқсонларидан биридир. Ушбу патология яққол неврологик бузилишлар, ногиронлик ва юқори ўлимга олиб келувчи орқа мия пардаларининг, баъзи ҳолларда эса унинг элементларининг бўртиб чиқиши орқали орқа мия каналининг нуқсони билан тавсифланади (Adzick et al., 2011; Copp et al., 2013; Шамсиев и соавт., 2016).

Замонавий эпидемиологик тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, туғма орқа мия чурраларининг частотаси географик минтақа, пренатал диагностика ва фолатлар танқислигини олдини олишга қараб ўзгарган ҳолда 1000 нафар янги туғилган чақалоққа 0,5 дан 2,0 та ҳолатга қадарни ташкил этади (Мартыненко А.А., 2010; Усманханов О.А., 2026; Atta et al., 2016; Zaganjor et al., 2016; Kancherla et al., 2023;). Пренатал скрининг ва фолат профилактикаси туфайли ривожланган мамлакатларда касалланишнинг муайян даражада пасайишига қарамасдан, ушбу патология болаларда, айниқса соғлиқни сақлаш тизимлари ривожланаётган мамлакатларда туғма аномалиялар таркибида муҳим ўрин тутишда давом этаяпти (Blencowe H, Kancherla V et al 2018).

Болаларда орқа мия чурралари муаммосининг долзарблиги нафақат уларнинг нисбатан юқори тарқалиши, балки ушбу патологиянинг клиник кечишини яққол ифодаланиши билан ҳам боғлиқ.

Беморларнинг аксариятида оёқларнинг парези ва фалажидан тортиб чаноқ аъзоларининг дисфункциясигача бўлган турли даражадаги неврологик бузилишлар аниқланиб, кўпинча чурра бўртмаси соҳасида оғир морфологик ўзгаришлар, жумладан тери қопламларининг кескин юпқалашиши, яраланиш, ёрилиш хавфи ёки унинг мавжудлиги, шунингдек юқумли асоратларнинг кўшилиши билан бирга кузатилади. Орқа мия чурралари кўпинча прогнозни сезиларли даражада ёмонлаштирадиган гидроцефалия, Арнольд-Киари синдроми II-тури, сийдик ажратиш тизимининг ривожланиш аномалиялари каби ривожланишнинг бошқа оғир нуқсонлари билан бирга кузатилади (Шамсиев и соавт., 2025; Dias et al., 2023;).

Замонавий диагностика усуллари пренатал (ультратовуш текшируви, ҳомила МРТ) ва постнатал (нейросонография, компьютер томографияси, магнит-резонанс томография) нуқсоннинг анатомик хусусиятларини, нерв тузилмаларининг кўшилиш даражасини ва ёндош аномалияларни аниқлаштиришга имкон берувчи ёндашувларни ўз ичига олади (Иванов В.С., Кенис В.М и др., 2021; Усманханов О.А., 2026). Бироқ, визуализация технологияларининг сезиларли ютуқларига қарамасдан, орқа миянинг анатомик-функционал ҳолатини эрта ва аниқ баҳолашда қийинчиликлар сақланиб қолган, қайсиким оптимал даволаш тактикасини танлашни қийинлаштиради. Умуртқа канали кўкрак қисмида минимал диаметрға эга ва

бўйин ҳамда бел қисмларида нисбатан кенгайган бўлиб, орқа миянинг анатомик-функционал хусусиятлари билан боғлиқдир. Янги туғилган чақалоқларда умуртқа каналининг тахминий ўлчами: бўйин ~10-14 мм, кўкрак ~8-12 мм, бел ~10-15 мм (Н. Richard Winn, 2022). Янги туғилган чақалоқларда орқа мия бел қисмида L2-L3 даражасида тугайди, унинг остида от думи (*cauda equina*) жойлашган, шунинг учун ушбу даражадан пастда люмбал пункцияни бажариш хавфсизроқ, жой кўпроқ ва сиқилиш хавфи паст.

Хирургик даволаш туғма орқа мия чурраларини тузатишнинг асосий усули ҳисобланади. Операциянинг асосий мақсади нуқсонни бартараф этиш, ҳаётий нерв тузилмаларини сақлаб қолиш, юқумли асоратларни олдини олиш ва беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашдан иборатдир. Аммо оператив аралашувнинг вақти ва ҳажмини танлаш ҳанузгача мунозара мавзусига айланган. Бир қатор муаллифлар ҳаётнинг дастлабки 24-72 соатида эрта хирургик аралашувни тавсия этишади, бошқалари эса боланинг аҳволи, нуқсоннинг жойлашуви ва турига қараб тактикани индивидуаллаштириш зарурлигини таъкидлашади (Pang, 2010; Adzick et al., 2011).

Турли муаллифларнинг фикрига кўра, ушбу патологияда операциядан кейинги ўлим 5 дан 20% гача бўлиб, оғир ёндош аномалия ва юқумли асоратлар мавжуд бўлганида янада юқорироқ кўрсаткичларга қадар етади (Bowman et al., 2001; Bakker et al., 2019). Бундан ташқари, беморларнинг катта қисмида қайта хирургик аралашувларга, жумладан гидроцефалияда ликворни шунтлаш операциясига эҳтиёж кузатилади. Эришилган ютуқларга қарамасдан, болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштиришга оид қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолган. Хусусан, замонавий визуализация усуллари ҳисобга олган ҳолда нуқсоннинг клиник-анатомик таснифига ягона ёндашув мавжуд эмас, чурра турига ва унинг локализациясига қараб хирургик тактикани танлаш мезонлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, шунингдек операциядан кейинги даврда беморларни олиб бориш учун стандартлаштирилган алгоритмлар йўқ. Чурра халтаси тўқималарини морфологик баҳолаш ва уларни даволаш натижаларига таъсири масалалари ҳам кейинги ўрганишни талаб этади (Шамсиев, Байбеков и соавт., 2016).

Шундай қилиб, юқори частотаси, клиник кечишнинг оғирлиги, беморларнинг сезиларли даражадаги ногиронлиги, шунингдек диагностика ва хирургик тактиканинг ҳал этилмаган муаммоларининг мавжудлиги болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштиришга қаратилган мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги, 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, 2021-йил 28-июлдаги ПҚ-5199-сон "Соғлиқни

сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни маълум даражада бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI -"Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий адабиёт маълумотларининг таҳлили болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислаш ва даволаш муаммоси жадал ўрганилаётганлигини таъкидлашга имкон беради, аммо кўплаб асосий жиҳатлар илмий муҳокама мавзусига айланиб қолган.

Бугунги кунга қадар эмбриогенез ва нуқсоннинг патоморфологияси масалалари етарлича батафсил ўрганилган (Шамсиев и соавт., 2016; Copp et al., 2013), пренатал диагностиканинг самарали усуллари, жумладан ҳомиланинг МРТ ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Davidson et al., 2021; Nagaraj et al., 2025) ҳамда бирламчи профилактика усули сифатида фоллий кислотасини периконцепцион қабул қилишнинг юқори самарадорлиги исботланган (Blencowe et al., 2018). Нуқсонни хирургик йўл билан ёпишнинг техник жиҳатлари (Cruz et al., 2025) ва вентрикулоперитонеал шунтлаш ёрдамида гидроцефалияни олиб бориш тактикаси кенг ёритилган (Blount et al., 2020).

Тўпланган билимларнинг катта миқдорига қарамасдан, бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолган. Хусусан, жаҳон адабиётида хирургик аралашувнинг мақбул вақти тўғрисида келишув мавжуд эмас. Анъанавий равишда ҳаётнинг дастлабки 24-48 соатидаги операция афзал кўрилса-да, сўнгги йилларда барқарор беморларга кечиктирилган аралашувнинг потенциал афзалликларига ишора қилувчи ушбу парадигмани шубҳа остига қўядиган тадқиқотлар мавжуд (Semione et al., 2026). Бироқ, операциянинг муайян вақтини танлаш учун патоморфологик асосни таъминлайдиган тадқиқотлар мавжуд эмас.

Хирургик даволаш учун беморларни танлашнинг объектив, ягона мезонлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, қайсиким операциядан 50% гача воз кечишнинг юқори фоизига ва қарор қабул қилишда субъективликка олиб келади. Бундан ташқари, пренатал скрининг муваффақияти билан боғлиқ нуқсоннинг ўзгарувчан эпидемиологияси шароитида марказлаштиришга йўналтирилган ёрдам кўрсатишнинг ташкилий моделлари ва беморларнинг мураккаб резидуал гуруҳини олиб бориш учун мультидисциплинар ёндашув қайта кўриб чиқишни талаб этади (Bakker et al., 2019; Sawin et al., 2020).

Шундай қилиб, ОМЧ диагностикаси ва даволашни оптималлаштиришнинг клиник, неврологик, патоморфологик ва ташкилий таркибий қисмларни бирлаштирган мураккаб муаммоси охиригача ҳал

этилмаган деб ҳисобланиши мумкин ҳамда ушбу ҳолат мазкур тадқиқот ўтказилишининг зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 01980006703-сонли "Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш" (2020-2023 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади: замонавий визуализация усуллари қўллаган ҳолда кенг қамровли клиник-анатомик баҳолаш ва чурра таркибини дифференцирланган хирургик тактикани ишлаб чиқиш орқали морфологик текшириш асосида болалардаги орқа мия чурраларини ташхислаш ва хирургик даволаш самарадорлигини *оширишдан* иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Болалардаги туғма орқа мия чурраларининг клиник-анатомик хусусиятларини *ўрганиш* ва уларнинг касалликни клиник кечиши ва натижаларига таъсирини *аниқлаш*.

2. Замонавий визуализация усуллари (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ) диагностик информативлигини *баҳолаш* ва улар асосида болалардаги орқа мия чурраларини комплекс ташхислаш алгоритмининг *ишлаб чиқиш*.

3. Чурра таркиби ва қўшни тўқималарнинг морфологик текширувини *ўтказиш*, таркибий ўзгаришларнинг табиатини ва уларнинг касалликни клиник кўринишлари билан ўзаро боғлиқлигини *аниқлаш*.

4. Клик-анатомик, визуализацион ва морфологик маълумотлар тўплами асосида орқа мия чурралари бўлган болаларда хирургик тактикани дифференцирланган тарзда танлаш тамойилларини *ишлаб чиқиш*.

5. Умurtқа поғонаси нуқсонининг пластика усулини танлаш алгоритмининг *ишлаб чиқиш ва жорий этиш*, жумладан П-симон пластикадан фойдаланишни асослаш ва унинг хирургик даволаш натижаларига (асоратлар, касалхонага ётиш давомийлиги ва ўлим) таъсирини *баҳолаш*.

Тадқиқот объекти 2000-йилдан 2024-йилгача 1-сонли Болалар хирургияси кафедрасининг базаси ҳисобланган (кафедра мудири - тиббиёт фанлари доктори, проф. Ш.А. Юсупов) СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургия клиникасида (бош шифокор - проф. Ж.А. Шамсиев) стационар даволанган 1 кундан 1 ёшгача бўлган туғма орқа мия чурралари билан касалланган 384 нафар бемордан ташкил топган.

Тадқиқот предмети. Тадқиқот предмети клиник-лаборатор, инструментал ва морфологик кўрсаткичлар, жумладан умurtқа поғонаси ва орқа миянинг замонавий визуализация усуллари (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ) маълумотлари, хирургик аралашувлар протоколлари, шунингдек, туғма орқа мия чурралари билан операция қилинган болаларда чурра таркиби ва қўшни тўқималарнинг морфологик текширув натижаларидан иборат бўлди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, замонавий визуализация усуллари (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ) ва патоморфологик

текширувлар, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- *илк бор* кенг қамровли клиник-анатомик ва инструментал таҳлил асосида болалардаги туғма орқа мия чурраларини чурра шакли, асаб тузилмаларининг қўшилиш даражасини объективлаштиришга ҳамда операциядан олдин режалаштиришни оптималлаштиришга имкон берувчи ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

- *илк бор* чурра таркиби ва қўшни тўқималарнинг тузилмавий ўзгаришлар табиати ва касалликнинг клиник шакли ўртасида муҳим патогенетик ва прогностик аҳамиятга эга бўлган қонуниятли ўзаро боғлиқликни белгилаган комплекс морфологик текшируви ўтказилган.

- чурра таркибининг ҳақиқий анатомик тузилишини акс эттирувчи ва мавжуд таснифларни тўлдирувчи туғма орқа мия чурраларининг (менингоцеле, миеломенингоцеле, менингоградикулоцеле, менингомиелорадикулоцеле, миелошизис) **интраоперацион тавсифи аниқланган ва кенгайтирилган.**

- *илк бор* умуртқа равоқчалари парчаланиш даражасининг ёшга оид анатомик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда умуртқа каналининг кенлигига нисбати асосида нуқсоннинг ифодаланишини баҳолашни объективлаштиришга имкон берувчи нуқсон индексини (ID) ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

- нуқсон индекси асосида анатомик ўзгаришларнинг оғирлик градацияси *таклиф этилган* ва хирургик даволашга дифференцирланган ёндашувни таъминлайдиган умуртқа поғонаси нуқсонини пластика қилиш усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

- даволаш натижаларининг комплекс таҳлили асосида *илк бор* туғма орқа мия чурралари бўлган болаларни клиник-анатомик, морфологик хусусиятларни ҳамда беморнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда хирургик даволашнинг дифференцирланган, индивидуаллаштирилган тактикаси *илмий асосланган ва жорий этилган.*

- ишлаб чиқилган диагностик ва терапевтик алгоритмларни қўллаш даволаш натижаларини ишончли даражада яхшилашга, операциядан кейинги асоратлар частотаси ва ўлимни камайтиришга имкон бериши *исботланган.*

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- замонавий визуализация усулларида фойдаланган ҳолда *ишлаб чиқилган* диагностик алгоритм (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ) ташхислаш аниқлиги ошишини, чурра шаклини эрта текширишни ва диагностик хатолар сонини камайтиришни таъминлайди.

- чурра таркибини морфологик баҳолашни клиник амалиётга *жорий этиш* патологик ўзгаришлар даражасини объективлаштиришга ва хирургик даволаш тактикасини танлашда ушбу маълумотлардан фойдаланишга имкон беради.

- нуқсон индексини (ID) ҳисоблашнинг *таклиф этилган* усули ёшга оид хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда суяк нуқсони ўлчамларини

баҳолашнинг стандартлаштирилишини таъминлайди ва клиник-анатомик диагностиканинг объективлигини оширади.

- умуртқа поғонаси нуқсонининг пластика усулини танлаш учун *ишлаб чиқилган* алгоритм, жумладан П-симон пластикани қўллаш нуқсоннинг ишончли ёпилишига ҳисса қўшади, ликворея ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтиради.

- дифференцирланган хирургик тактикани *жорий этиш*: операциядан кейинги ўлимни, айниқса 3 ойгача бўлган ёш гуруҳида камайтиришга; операциядан кейинги асоратлар частотасини пасайтиришга; назорат гуруҳига нисбатан касалхонада ётиш муддатини (ўрин-кун) қисқартиришга имкон берган.

- *олинган* натижалар хирургик аралашув вақтини индивидуаллаштиришга: асоратланмаган шаклларда операцияни энг яхши натижаларга эришиш билан режалаштирилган тартибда бажаришга, асоратланган шаклларда шошилишч хирургик давони ўз вақтида амалга оширишга имкон беради.

- *ишлаб чиқилган* ёндашувлар болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб, болалар хирургияси ва нейрохирургияси амалиётига кенг тадбиқ этиш учун тавсия этилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотнинг услубий асосланганлиги, қўлланилган назарий ёндашувларнинг, клиник-лаборатор, инструментал ва статистик усулларнинг тўғрилиги, шунингдек клиник материалнинг етарли ҳажми билан тасдиқланган. Болалардаги туғма орқа мия чурраларида замонавий диагностика ва даволаш технологияларидан фойдаланиш, олинган маълумотларни маҳаллий ва халқаро тажриба билан таққослаш, шунингдек, назарий ҳолатларнинг амалий натижаларга мувофиқлиги ўтказилган ишнинг илмий асосланганлиги ва амалий қийматини таъминлайди. Натижаларнинг ишончилиги қўшимча равишда ижобий эксперт хулосалари ва профилли муассасаларда синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти болаларда туғма орқа мия чурралари ҳақидаги замонавий қарашларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- кенг қамровли клиник-анатомик ва инструментал таҳлил *асосида* туғма орқа мия чурраларининг тузилиши ва клиник кечишининг хусусиятлари аниқланган, қайсиким ушбу патологиянинг гетерогенлиги ҳақидаги мавжуд тушунчани тўлдиради;

- замонавий визуализация усулларининг (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ) диагностик аҳамияти ва чурранинг анатомик тузилишини ҳамда асаб элементларининг ҳолатини баҳолашда уларни комплекс қўллаш *асосланган*;

- чурра таркибидаги ва қўшни тўқималарнинг морфологик ўзгаришлари ҳақидаги тушунчалар *чуқурлаштирилган*, қайсиким касалликнинг турли шакллари шакллантиришнинг патогенетик механизмлари тушунчасини кенгайтиради;

- клиник-анатомик, морфологик хусусиятлар ва хирургик даволаш натижалари ўртасида муҳим прогностик аҳамиятга эга ўзаро боғлиқлик ўрнатилган;

- туғма орқа мия чурраларининг уларни ҳақиқий анатомик тузилишини аниқлаб берадиган ва мавжуд таснифларни тўлдирувчи кенгайтирилган интраоперацион тавсифи *таклиф этилган* ва илмий асосланган;

- болалар нейрохирургиясининг назарий асослари ривожланишига ҳисса қўшувчи нуқсонлар индексидан фойдаланишни ўз ичига олган анатомик ўзгаришларни объективлаштиришга янги ёндашувлар *ишлаб чиқилган*;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган диагностик ва терапевтик ёндашувларни клиник амалиётга жорий этиш билан белгиланади ва қуйидагилардан иборат:

- болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислашнинг диагностика аниқлигини оширадиган ва диагностик хатолар частотасини камайтирадиган алгоритми *ишлаб чиқилган ва жорий этилган*;

- нуқсон индексини (ID) ҳисоблашнинг *таклиф этилган* усули ёшга оид анатомик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда суяк нуқсонининг фойдаланиш даражасини объективлаштиришга ва диагностика жараёнини стандартлаштиришга имкон беради.

- чурра таркибини морфологик баҳолашдан *фойдаланиш* хирургик аралашувнинг ҳажми ва тактикасини асосли равишда танлашга ёрдам беради;

- аниқлаштирилган интраоперацион тавсифни *жорий этиш* хирургик қарорларни қабул қилишни осонлаштиради ва оператив даволаш хавфсизлигини оширади;

- нуқсоннинг ишончли ёпилишини таъминлайдиган ва ликворея хавфини камайтирадиган умуртқа поғонаси нуқсонларини пластика қилиш усулини танлаш, жумладан П-симон пластикани қўллаш алгоритми *ишлаб чиқилган*;

- ёши, анатомик шакли ва морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференцирланган хирургик тактикани *жорий этиш* операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайтиришга имкон берган;

- ишлаб чиқилган ёндашувларни *қўллаш* касалхонада ётиш муддатини қисқартиришга ва туғма орқа мия чурралари бўлган болаларни даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар

1. Ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланган ҳолда болалардаги туғма орқа мия чурралари ташхисотида комплекс клиник-анатомик ва инструментал ёндашув чурранинг анатомик шаклини, асаб тузилмаларининг қўшилиш даражасини объективлаштиришга ва операциядан олдинги баҳолашнинг аниқлигини оширишга имкон беради.

2. Туғма орқа мия чурраларида чурра таркибидаги морфологик ўзгаришлар қонуниятли табиатга эга ва касалликнинг клиник шакли ҳамда оғирлиги билан корреляция қилади, қайсиким хирургик тактикани танлашда улардан мезон сифатида фойдаланишни асослайди.

3. Туғма орқа мия чурраларининг мавжуд таснифларни тўлдирувчи таклиф этилган интраоперацион тавсифи чурра таркибининг ҳақиқий

анатомик тузилишини тўлиқроқ акс эттиради ва хирургик аралашув ҳажмини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

4. Ишлаб чиқилган нуқсон индекси (ID) ва умуртқа поғонаси нуқсонини пластика қилиш усулини танлаш алгоритми анатомик ўзгаришлар даражасининг объективлаштирилишини таъминлайди ва хирургик даволашга, жумладан П-симон пластикадан асосли равишда фойдаланишга дифференцирланган ёндашувни амалга оширишга имкон беради.

5. Клиник-анатомик, морфологик маълумотлар ҳамда нуқсон индексини баҳолаш асосида дифференциал, индивидуаллаштирилган хирургик даволаш тактикасини жорий этиш даволаш натижаларининг ишончли тарзда яхшиланишига, операциядан кейинги ўлимнинг, туғма орқа мия чурраси бўлган болаларда асоратлар частотасининг ва касалхонада ётиш давомийлигининг камайишига ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг **2025 йил 7 июлдаги 21/30-сонли** хулосасига мувофиқ жорий этилган:

биринчи илмий янгилик: илк бор болаларда туғма орқа мия чурралари клиник кечишнинг ўзгарувчанлигини, асоратларнинг частотасини ва касалликнинг натижаларини белгилайдиган яққол клиник-анатомик полиморфизм билан тавсифланиши *аниқланган*;

иккинчи илмий янгилик: замонавий визуализация усуллари комплексида (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ) фойдаланиш ташхисотнинг аниқлигини сезиларли даражада оширишга, чурранинг анатомик шаклини, асаб тузилмаларининг қўшилиш даражасини ва ёндош ўзгаришларни батафсил баҳолашга имкон бериши *исботланган*. Ушбу асосда операциядан олдинги режалаштиришнинг оптималлаштирилишини таъминлайдиган кенг қамровли диагностика алгоритми *ишлаб чиқилган*;

Улар бўйича ҳолатлар СамДТУ илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган "Болаларда туғма орқа мия чурраларини клиник-анатомик баҳолаш ва ташхисотини такомиллаштириш" услубий тавсиялари таркибига *киритилган* (2026 йил 29 апрелдаги 9-сонли баённома), Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2026 йил 1 майдаги 83-У-сонли буйруқ) ва Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2026 йил 1 майдаги 40-сонли буйруқ) клиник амалиётига *жорий этилган*.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги диагностика аниқлигининг яхшиланиши ва операциядан олдинги режалаштиришнинг оптималлаштирилиши билан тавсифланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги диагностик текширув ва касалхонада операциядан олдинги тайёргарлик муддатининг қисқаришидан иборат, қайсиким бюджет маблағлари тежалишини таъминлаган.

Хулоса. Клиник-анатомик текширувни жорий этиш ва замонавий визуализация усулларида фойдаланиш ташхисотнинг аниқлигини сезиларли

даражада оширади, чурранинг анатомик шаклини, асаб тузилмаларининг қўшилиш даражасини ва ёндош ўзгаришларни батафсил баҳолашга имкон беради, қайсики операциядан олдинги режалаштиришнинг оптималлаштирилишини таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: клиник-анатомик, визуализацион ва морфологик маълумотларни комплекс тарзда баҳолаш асосида орқа мия чурраларида суяк нуқсонларини пластика қилиш усулини танлаш алгоритмининг ўз ичига олган хирургик тактикани дифференцирланган тарзда танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган. Умуртқа поғонасидаги катта нуқсонларнинг ишончли ёпилишини, ликворея ва операциядан кейинги асоратлар частотаси хавфининг камайишини таъминлайдиган мушак-апоневротик қийқим билан П-симон пластикадан фойдаланиш (клиника усули) *асосланган*;

тўртинчи илмий янгилик: ишлаб чиқилган диагностик ва терапевтик алгоритмларни жорий этиш даволаш натижаларини ишончли даражада яхшилашга: операциядан кейинги ўлимни 12,3% дан 1,2% гача, ликвореяни (13,9% дан 3,8% гача) ва асоратлар частотасини (йиринглаш 9,8% дан 1,2% гача) камайтиришга, шунингдек *асосий* гуруҳда операциядан кейинги ўрин кун давомийлигини ($9,7 \pm 3,4$ ў.к.) *назорат* гуруҳига ($11,9 \pm 3,1$ ў.к.) нисбатан камайтиришга имкон берган. 3 ойгача бўлган ёш гуруҳида ўлимнинг статистик жиҳатдан сезиларли камайиши (назорат гуруҳидаги 13,4% дан *асосий* гуруҳда 2,3% гача), 3-12 ойлик гуруҳда эса ўлим қайд этилмаганлиги *аниқланган*, қайсики таклиф этилган тактиканинг самарадорлигини тасдиқлайди ва оператив аралашув вақтини дифференцирланган тарзда танлаш заруратини асослайди;

Улар бўйича ҳолатлар СамДТУ илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган "Болаларда туғма орқа мия чурраларини хирургик даволаш" услубий тавсиялари таркибига *киритилган* (2026 йил 29 апрелдаги 9-сонли баённома), Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2026 йил 1 майдаги 83-У-сонли буйруқ) ва Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг (2026 йил 1 майдаги 40-сонли буйруқ) клиник амалиётига *жорий этилган*.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги дифференцирланган хирургик тактиканинг ишлаб чиқиши ва болалардаги орқа мия чурраларида умуртқа поғонаси суякли нуқсонини пластика қилиш усулини танлаш алгоритми билан тавсифланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги даволаш натижаларининг яхшиланиши, операциядан кейинги асоратлар частотасининг камайиши, касалхонада ётиш муддатининг қисқариши ва ўлимнинг сезиларли даражада камайишидан иборат.

Хулоса. Ишлаб чиқилган диагностик ва терапевтик алгоритмларнинг жорий этилиши даволаш натижаларини ишончли тарзда яхшилашга: операциядан кейинги асоратлар ва ўлимни камайтиришга, шунингдек операциядан кейинги ўрин-кун давомийлигини қисқартиришга имкон берган, қайсики таклиф этилган тактиканинг самарадорлигини тасдиқлайди ва

оператив аралашувни дифференцирланган тарзда танлаш зарурлигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 10 та журнал мақолалари, улардан 2 таси республика ва 4 таси хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 150 бетдан иборат бўлиб, кириш, 5 та боб, хотима, хулоса ва амалий тавсиялардан ташкил топган. Библиографик кўрсаткич 154 та манбани ўз ичига олган, улардан 62 таси рус тилида ва 92 таси хорижий давлатларнинг манбаларидир. Иш 40 та расм ва 20 та жадвал билан безатилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, иш натижаларининг синовдан ўтказилиши ва эълон қилинганлиги тавсифланган, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** "Болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий масалалари (адабиётлар шарҳи)" да болалардаги орқа мия чурралари муаммосига бағишланган замонавий умумлаштирилган илмий маълумотлар келтирилган.


Адабиёт манбаларининг таҳлили орқа мия чурраси умуртқа поғонаси ва орқа мия ривожланишининг оғир туғма қўшма аномалияси бўлиб, умуртқалар равоқчаларининг нуқсонлари орқали парда, нерв илдизлари ва орқа мия моддасининг бўртиб чиқиши билан намоён бўлишини, яққол неврологик бузилишлар, юқори ногиронлик ва ўлим частотаси билан кечишини кўрсатади. Визуализация ва даволаш усуллариининг ривожланишида сезиларли ютуқларга қарамасдан, орқа мия чурраларини ташхислаш ва хирургик даволашнинг бир қатор масалалари ҳал этилмасдан қолган. Касалликнинг клиник-анатомик хусусиятлари етарлича ўрганилмаган, эрта ташхис қўйиш ва мақбул хирургик тактикасини танлашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳолат кенг қамровли диагностик ёндашувни ишлаб чиқишни ва хирургик даволаш усуллариини такомиллаштиришни тақозо этади, қайсиким мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертациянинг "Тадқиқот материаллари ва усуллари" деб номланган **иккинчи боби** беморларнинг умумий тавсифи, умумклиник, лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари бўйича маълумотларни ўз ичига олади. Ишда замонавий визуализация усуллари (УТТ, КТ, МСКТ, МРТ), патоморфологик текширувлар ва олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Ушбу иш 2000-йилдан 2024-йилгача 1-сонли Болалар хирургияси кафедрасининг базаси ҳисобланган (кафедра мудири - тиббиёт фанлари доктори, проф. Ш.А. Юсупов) СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургия клиникасида (бош шифокор - проф. Ж.А. Шамсиев) стационар даволанган бир неча соатдан 1 ёшгача бўлган туғма орқа мия чурралари билан касалланган 384 нафар беморни комплекс тарзда текшириш ва даволашга асосланган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари эркак ва аёл жинсидаги бир неча соатдан 1 ёшгача бўлган ёшда туғма орқа мия чурраларининг мавжудлиги, орқа мия чурраларининг ҳар хил турлари ва локализациялари, жумладан ёндош гидроцефалияси бўлган беморлардан иборат эди. Тўғридан-тўғри клиникага қабул қилинган, туғруқхоналардан, вилоят болалар касалхоналаридан ёки марказий туман касалхоналаридан (МТК) ўтказилган.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари бир ёшдан катта ёшда туғма орқа мия чурралар ва краниал чурралардан иборат эди.



1-расм. Жинс бўйича тақсимланиш **2-расм.** Ёш бўйича тақсимланиш.

Туғма орқа мия чурраси бўлган 384 нафар текширилган болалар орасида ўғил болалар 209 нафарни (54,4%), қиз болалар 175 нафарни (45,6%) ташкил этди, қайсиким ўғил жинсидаги беморларнинг бироз устунлиги ҳақида далолат беради (1-расм).

Беморларнинг ёши бўйича тақсимоти (2-расм) кўпчиликни 1 ойгача бўлган янги туғилган чақалоқлар 280 (72,9%) ташкил этганлигини кўрсатди.

1-3 ойлик беморлар 66 нафар (17,2%), 3-6 ойлик 30 нафар (7,8%), 6-12 ойлик 8 нафар (2,1%) бўлиб, эрта неонатал даврдаги беморларнинг устунлиги ҳақида далолат беради.

Аҳволнинг оғирлигини баҳолаш клиник-анатомик ва функционал мезонлар тўплами асосида амалга оширилди. Ягона шкала мавжуд бўлмаган шароитда, беморларни табақалаштиришга ишлаб чиқилган ёндашув қўлланилди, қайсиким гуруҳларни ўта оғир (50,5%), оғир (40,1%) ва ўрта оғир аҳволларга (9,4%) ажратишга имкон берди (3-расм).



3-расм. Аҳволнинг оғирлиги бўйича тақсимланиш.

Орқа мия чуррасининг тури ва локализациясини аниқлашда биз Н. Richard Winn (2022) таснифига амал қилдик. Орқа мия чуррасини ташхислаш учун нейровизуализация (МРТ, МСКТ ёки КТ), обзорли рентгенография, шунингдек, чурра халтаси, умуртқа поғонаси ва бош мияни ультратовуш текшируви ўтказилди.

Тадқиқот усуллари клиник-анамнестик маълумотларни, лаборатор кўрсаткичларни ва инструментал ташхисот усулларининг натижаларини комплекс тарзда баҳолашга асосланди.

Клиник текширув витал функцияларни, неврологик танқисликнинг мавжудлигини, таянч-ҳаракат аъзолари, юрак-қон томир ва сийдик-таносил тизимларининг ҳолатини, гидроцефалия мавжудлигини, чурра бўртмасининг локализация даражасини, ўлчамини ва ҳолатини, ёндош нуқсонлар ва стигмалар борлигини баҳолаш билан стандарт усуллар бўйича ўтказилди.

Лаборатор диагностикаси қон ва сийдикнинг умумий клиник (DIRUI BCC-3600) ва биокимёвий таҳлилларини (Merilyzer AutoQuant 100i), коагулограммани (Rayto RT-2201C) ва қоннинг газ таркибини (Wondfo BGA-102) ўз ичига олган.

Инструментал диагностика беморларда бош, орқа мия, краниовертебрал ўтиш жойи, чурра халтаси таркибининг визуализацияси, парчаланган умуртқа поғонаси суяк ойнасининг ўлчамлари магнит-резонансли компьютер томографияси (МРТ), кўрсатма бўйича компьютер томографияси (КТ), шунингдек мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) Siemens DURA 688-MV билан, умуртқа поғонаси ва калла суягининг рентгенографияси иккита-тўғридан-тўғри ва ён проекцияларда (MINE 2 қурилмасида), ультратовуш текшируви (Consona N9 Mindray), ЭКГ (Mindray BeneHeart R3), нейросонография (Consona N9 Mindray) ёрдамида амалга оширилди.

Спинал дизрафизмнинг турли шакллари кузатилган 1ёшгача бўлган 39 нафар болада чурра халтасининг таркиби *патоморфологик текширувдан* ўтказилди. Биопсия материали (бўлаклари ўртача 1,5×2,0 см ўлчамда) 12%ли нейтрал формалинда, сўнг стандарт гистологик ўтказма ва парафин ичига қуйиш билан фиксация қилинган. Парафин блокларидан микротомда умумий қабул қилинган усул бўйича гематоксилин ва эозин билан бўялган қалинлиги 5-6 мкм бўлган серияли кесмалар тайёрланган. Морфологик текширув Leica ECA-3 микроскопидан фойдаланган ҳолда (Германия) ёруғлик микроскопияси усулида амалга оширилди. Тадқиқот В.В. Вохидов

номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг патоморфология бўлими базасида профессор И.М. Байбековнинг илмий раҳбарлиги остида ўтказилди.

Олинган натижаларни **статистик қайта ишлаш** IBM SPSS Statistics 27 дастурий мажмуаси ёрдамида амалга оширилган. Маълумотларни тавсифлаш учун танланма ўртача қийматлар ва ўртача қийматларнинг стандарт хатолари қўлланилган. Қўйидаги статистик параметрлар ҳисоблаб чиқилган: ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (σ) ва ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m). Меъёрий тақсимотдан фарқ қилувчи тақсимотда қўшимча тарзда медиана аниқланган. Ўртача қийматларни таққослаш Студентнинг t -мезонидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг "Болаларда туғма орқа мия чурраларини клиник-анатомик баҳолаш ва ташхисотини такомиллаштириш" деб номланган **учинчи боби** касалликнинг клиник кўринишини ўрганишга, шунингдек болаларда туғма орқа мия чурралари диагностикаси усуллариини такомиллаштиришга бағишланган. Патологиянинг клиник ва анатомик хусусиятларини комплекс тарзда баҳолаш ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий босқичларидан биридир, чунки айнан ушбу босқичда патологик жараённинг табиати, асаб тузилмаларининг қўшилиш даражаси ҳақида объектив тушунча шаклланади ва мақбул терапевтик-диагностик тактика белгиланади.

Тадқиқотга туғма орқа мия чурраси бўлган 384 нафар бола киритилган. Ўтказилган таҳлил бирламчи ташхисот аксарият кузатувларда клиник текширув маълумотларига, жумладан маҳаллий ҳолатни, неврологик бузилишларни ва ёндош туғма аномалияларни баҳолашга асосланганлигини кўрсатди. Ташқи кўздан кечиришданоқ хос чурра бўртмасини аниқлаш, унинг ўлчамларини, шаклини, тери қопламларининг ҳолатини, ликворея мавжудлигини ва ёндош неврологик бузилишларни баҳолаш мумкин.

Чурра халтаси устидаги терининг ҳолати алоҳида клиник аҳамиятга эга, чунки унинг юпқалашиши ёки нуқсонлари ёрилиш ва инфицирланиш хавфини сезиларли даражада оширади, қайсики беморни олиб бориш тактикасини ўзгартиришни талаб этади (1-жадвал).

1-жадвал

Чурра халтаси тери қопламлари ўзгаришларининг частотаси ва табиати

Чурра халтаси тери қопламлари ўзгаришларининг табиати	ўзгариш частотаси	
	мутл	%
Ўзгаришсиз	72	19,3%
Гипертрихоз, тери қопламлари бузилишисиз пигмент доғи	14	3,7%
Тери ёрилиш хавфи билан юпқалашиши ёки трофик яра мавжудлиги	181	48,4%
ликворея билан кескин юпқалашган терининг	107	28,6%

ёрилиши ёки трофик яра ликворли фистула шаклланиши билан		
жами:	374	100%

1-жадвалдан кўриниб турибдики, атиги 23 % беморда тери қопламлари бузилмаган, болаларнинг аксариятида эса (80,7%) турли патологик ўзгаришлар аниқланган. Ёрилиш хавфи билан терининг яққол юпқалашиши энг кўп (48,4%) қайд этилган, 28,6% ҳолларда эса ликворея билан чурра халтасининг ёрилиши ташхисот этилган. Олинган маълумотлар касалликнинг асоратланган кечишини юқори частотаси ҳақида далолат беради.



Без изменений



Истончение изъязвление с угрозой разрыва



Разрыв с ликвореей

4-расм. Чурра халтаси тери қопламларининг ўзгариши.

Таъкидлаш жоизки, тери қопламларининг ҳолати чурра турини олдиндан баҳолашга имкон беради: бузилмаган терида кўпинча менингоцеле, унинг нуқсонларида эса оғирроқ шакллар кузатилади. Бироқ, чурра турини фақат замонавий визуализация усулларида фойдаланган ҳолда ва интраоперацион тарзда якуний текшириш мумкин.

Энг муҳим клиник-анатомик параметрлардан бири чурра бўртмасининг ўлчами бўлиб, у касалликнинг клиник кечишига, неврологик танқисликнинг ифодаланишига ва хирургик тактикани танлашга бевосита таъсир этади (2-жадвал).

2-жадвал

Чурра бўртмаси ўлчами ва гидроцефалия частотаси

Чурралар ўлчами	Жами беморлар	Гидроцефалия
	мутл %	мутл %
кичик (<3 см)	41 (8,3%)	13 (3,5%)
ўрта (3-5 см)	143 (38,7%)	67 (17,9%)
катта (6-10 см)	175 (46%)	93 (24,9%)
гигант (>10-15см)	15 (7%)	12 (3,2%)
Жами:	374* (100%)	185 (49,5%)

Изоҳ: * - миелошизис кузатилган 10 нафар беморлар киритилмаган

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларнинг аксариятида (84,7%) чурра бўртмасининг ўлчамлари 3 дан 10

см га қадарни ташкил этган, энг катта гуруҳ эса 6-10 см (46,0%) ўлчамдаги катта чурралардан иборат эди. Кичик чурралар (<3 см) анча кам (8,3%) учраган, 10 см дан катта йирик чурралар эса 7% ҳолларда кузатилган. Гидроцефалия частотасининг таҳлили чурра халтасининг ҳажмига аниқ боғлиқликни кўрсатди. Масалан, гидроцефалия 3 см дан кичик чурраларда 3,5% беморларда, 3-5 см ўлчамларда 17,9%, 6-10 смда 24,9%, 10 см дан катта чурраларда эса 3,2% ҳолларда аниқланган. Олинган маълумотлар чурра бўртмасининг катталиги ва гидроцефалия ривожланиш частотаси ўртасида бевосита боғлиқлик борлигидан далолат беради. Афтидан, ушбу ҳолат прогнозлаш ва хирургик тактикани танлашда эътиборга олиниши лозим бўлган катта чурра ўлчамларида ликвородинамиканинг яққол бузилиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, чурра ўлчамларининг катталашиши тери қопламларининг юпқалашиши, уларнинг ёрилиш ва ликворея хавфининг ошиши, шунингдек оператив аралашувни бажаришда техник қийинчиликлар билан бирга кечди.

Неврологик текширув орқа миянинг патологик жараёнга қўшилиш даражасини акс эттирувчи клиник баҳолашнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади (3-жадвал)

3-жадвал

Ҳаракат функциясининг бузилиш частотаси

Неврологик бузилишлар	Беморлар сони	
	мутл	%
ҳаракат бузилишларисиз	99	25,8%
пастки параплегия	238	62%
пастки парепарез	47	12,2%
Жами	384	100%

3-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларнинг аксариятида (74,2%) ҳаракат функциясининг бузилишлари аниқланган. Энг кўп пастки параплегия (62%) ташхисот этилган ва орқа мия ўтказувчи йўллариининг оғир шикастланиши ҳақида далолат берган. Пастки парепарез 12,2 % беморларда қайд этилган, 25,8% беморларда, асосан менингоцеледа, ҳаракат бузилишларининг йўқлиги кузатилган, қайсики ушбу шаклнинг яхши кечишини тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, янги туғилган чақалоқларда парезнинг табиатини фарқлаш қийин, ушбу ҳолат натижаларни талқин қилишда ҳисобга олинган.

Чаноқ аъзолари функциясининг бузилиши муҳим клиник кўриниш бўлиб, беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли даражада таъсир этади (4-жадвал).

4-жадвал

Чурра турини ҳисобга олган ҳолда чаноқ аъзолари функциясининг бузилиш частотаси

Орқа мия чурралари турлари	чаноқ аъзоларининг нейроген дисфункцияси			Жами:
	тутолмаслик тури бўйича	тутилиш тури бўйича	бузилишсиз	
Менингоцеле	4 (5,6%)	1 (1,4%)	66 (93%)	71 (18,5%)
Менингомиелоцеле	224 (74%)	8 (2,6%)	71 (23,4%)	303 (78,9%)
Миелошизис	10 (100%)	0	0	10 (2,6%)
Жами:	238 (62%)	9 (2,3%)	137 (35,7%)	384 (100%)

4-жадвалдан кўришиб турибдики, нейроген дисфункция 64,3 % беморда аниқланган, энг кўп учраган тури (62%) тутолмаслик эди. Таҳлил чурранинг анатомик шаклига аниқ боғлиқлигини кўрсатди: менингоцеледа функциялар 93% ҳолларда сақланиб қолган, менингомиелоцеледа эса бузилишлар аксарият беморларда (76,6%) аниқланган. Миелошизисда бузилишлар 100% ҳолларда қайд этилган.

Шундай қилиб, чурра тури ва функционал бузилишлар даражаси ўртасида муҳим прогностик аҳамиятга эга бўлган тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди.

Касаллик шакллари бўйича тақсимот ва гидроцефалия частотаси 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

ОМЧ турлари ва гидроцефалия ҳолатлари бўйича тақсимланиш

Орқа мия чурралари турлари	Жами	Гидроцефалия
	мутл %	мутл %
Менингоцеле	71 (18,5%)	15 (3,9%)
Менингомиелоцеле	303 (78,9%)	170 (44,3%)
Миелошизис	10 (2,6%)	10 (2,6%)
Жами:	384 (100%)	195 (50,8%)

5-жадвалдан кўришиб турибдики, оғир клиник кечиш билан тавсифланган менингомиелоцеле (78,9%) устунлик қилувчи тур бўлган. Гидроцефалия частотаси шакл оғирлашгани сари: менингоцеледа 3,9% дан менингомиелоцеледа 44,3% гача ортган, қайсики анатомик нуқсоннинг оғирлиги ва ликвородинамик бузилишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тасдиқлайди.

Умurtқа поғонасининг анатомик қисмлари бўйлаб туғма орқа мия чурраларининг локализацияси касалликнинг клиник кечишини, неврологик бузилишларнинг табиатини ва ёндош аномалияларнинг, хусусан гидроцефалиянинг частотасини белгилайдиган асосий омиллардан биридир. Беморларнинг чурра локализацияси даражаси ва ёндош гидроцефалия частотаси бўйича тақсимланиши 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Чурра жойлашиш даражаси ва гидроцефалия частотаси

Локализация даражаси	Жами		Гидроцефалия	
	мутл	%	мутл	%
Бўйин	5	1,3%	1	0,3%
Кўкрак	9	2,4%	2	0,5%
Кўкрак-бел	37	9,6%	16	4,2%
Бел	134	34,8%	74	19,3%
Бел-думғаза	180	46,8%	93	24,2%
Думғаза	19	4,9%	9	2,3%
Жами:	384	100%	195	50,8%

6-жадвал таҳлили энг кўп учрайдиган локализация бел-думғаза (46,8%) ва бел (34,8%) қисмлари эканлигини кўрсатди.




5-расм. Болаларда орқа мия чурралари локализациясининг даражаси.

Гидроцефалиянинг энг катта частотаси бел (19,3%) ва бел-думғаза (24,2%) локализацияда қайд этилган, ушбу ҳолат ликвор айланишининг яққол бузилиши ва кўпинча Арнольда-Киари II-турдаги аномалияси билан бирга учраши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Клиник ва неврологик текширув билан бир қаторда замонавий визуализация усуллари комплексини (R-графия, УТТ, МРТ, КТ, МСКТ) қўшимча диагностика технологиялари билан биргаликда қўллаш туғма орқа мия чурраларини текшириш аниқлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради. Рентгенография умуртқа поғонасидаги суяк нуқсонларини баҳолашга имкон берди, аммо чурра халтасининг таркиби ҳақида маълумот бермади. Шунинг учун ультратовуш текшируви, айниқса янги туғилган чақалоқларда муҳим ўрин тутди ҳамда чурра тузилмаларини визуализация қилишга ва унинг таркибини баҳолашга имкон беради. Компьютер томографияси (КТ) умуртқа поғонасининг суяк нуқсонларини батафсил визуализация қилиш имконини беради, аммо уни қўллаш нур юкламаси ва тадқиқот давомийлиги туфайли айниқса эрта ёшдаги болаларда чекланган.

МРТ орқа мия ва асаб тузилмаларининг ҳолатини баҳолаш учун энг информатив усул бўлиб ҳисобланади, МСКТ эса суяк нуқсонини аниқ морфометрик баҳолашни таъминлайди ва операциядан олдин режалоштиришда асосий рол ўйнайди.

Ушбу ёндашувдан фойдаланиш локализация даражасини, нуқсоннинг анатомик-морфологик турларини, суяк нуқсонининг кенглигини ва суяк-мия каналини янада аниқроқ аниқлашни таъминлайди ҳамда операциядан олдин режалоштиришни оптималлаштиришга ва оқилона хирургик тактикани танлашга ҳисса қўшади (6-расм).



6-расм. Орқа мия чурраси (менингомиелоцеле) бўлган янги тугилган чақалоқ умуртқа поғонасининг МСКТ ,3D. Суяк нуқсонининг ўлчамлари: узунлиги - 63,3 мм, эни - 20,4 мм; суяк-мия каналининг кенглиги - 18,7 мм. Расмнинг юқори қисмида суяк нуқсони соҳасида

катталоштирилган бўлак, пастки қисмида нуқсон даражасида аксиал кесма келтирилган.

Олинган маълумотларга асосланиб, туғма орқа мия чурраси бўлган болаларни текширишда клиник, неврологик ва замонавий нейровизуализация усулларида изчил фойдаланишни таъминлайдиган кенг қамровли диагностик ёндашув ишлаб чиқилган (7-жадвал).

7-жадвал

Ташхисот ва операциядан олдинги текшириш босқичларида болалардаги орқа мия чурраларини кенг қамровли клиник-анатомик баҳолаш тизими

Босқич	Текшириш бўлими	Баҳолаш мезонлари	Тавсифи
I	Туғруқхонада ташхислаш	Визуал баҳолаш	орқада чурра бўртмасининг мавжудлиги

		Болалар хирургия масалаҳати	
II	Хирургия бўлимида ташхислаш:	Тери ҳолати	бузилмаган; юпқалашган; пигментация/гипертрихоз; нуқсон; ёрилиш хавфи; трофик яра; ликворли фистула
		Чурра ўлчамлари	кичик (<3 см); ўрта (3-5 см); катта (6- 10 см); йирик (>10 см)
	Клиник текширув	Локализация (дастлабки)	бўйин; кўкрак; кўкрак-бел; бел; бел- думғаза; думғаза
		Таранглиги	таранглашган; таранглашмаган
III	Неврологик текширув	Ҳаракат функциялари	бузилишсиз; пастки парализ; пастки параплегия
		Чаноқ аъзолари функцияси	бузилишсиз; тутолмаслик; тутилиш (нейроген дисфункция)
IV	Нейровизуализация (УТТ, КТ, МРТ, МСКТ, R-графия)	Локализация (аниқ)	бўйин; кўкрак; кўкрак-бел; бел; бел- думғаза; думғаза
		Чурра шакли	менингоцеле; миеломенингоцеле; миелошизис; бошқа шакллар
		Суяк нуқсони	нуқсоннинг узунлиги ва кенглиги; умуртқа поғонаси каналининг кенглиги
		Ёндош МАТ патологияси	Арнольд-Киари аномалияси; гидроцефалия; бошқа ўзгаришлар
V	Якуний босқич	Ташхисни шакллантириш	клиник (операциядан олдинги) ташхис
		Даволашни режалаштириш	нуқсоннинг морфометрик картаси ва хирургик тактикани танлаш

Келтирилган кенг қамровли клиник-анатомик баҳолаш тизими диагностик жараёни тизимлаштиришга, орқа миё чуррасининг шакли ва анатомик хусусиятларини аниқлашнинг аниқлигини оширишга, суяк нуқсони параметрларини объективлаштиришга ва мақбул хирургик тактикани танлашни асослашга имкон беради.

Диагностик тадбирлар кетма-кетлигини амалий визуализация қилиш мақсадида болаларда туғма орқа миё чурраларини ташхислаш алгоритми қуйида блок-схема шаклида келтирилган (7-расм).

Алгоритм диагностики спинномозговых грыж у детей




7-рasm. Болаларда туғма орқа мия чурраларини ташхислаш алгоритми.

Шундай қилиб, ўтказилган клиник-анатомик баҳолаш ва замонавий нейровизуализация усулларининг таҳлили туғма орқа мия чурралари кечишининг асосий қонуниятларини аниқлашга, анатомик параметрлар ва касалликнинг клиник кўринишлари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатишга, шунингдек операциядан олдинги режалаштиришнинг оптималлашувини ҳамда оқилона хирургик тактикани танлашни таъминлайдиган самарали ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқишга имкон беради.


Диссертациянинг **тўртинчи боби** спинал дизрафизм билан касалланган болаларда орқа мия чуррасининг таркибини морфологик текширишга бағишланган.

Чурра халтаси таркибининг морфологик текшируви фақат уни хирургик даволашдагина мумкин бўлади, бироқ унинг гистологик тузилиши ҳақида маълумотлар адабиётларда чекланган. Шунинг учун биопсия материалининг морфологик таҳлили спинал дизрафизмнинг турли шакллари билан касалланган 1 ёшгача бўлган 39 нафар болада ўтказилган. Орқа мия чурраларининг гистологик хусусиятларини клиник-инструментал маълумотлар билан таққослаган ҳолда ретроспектив баҳолаш нуқсонининг

турли шакллариининг морфологик мезонларини аниқлашга ҳамда хирургик даволашга дифференцирланган ёндашувни асослашга имкон берди. Орқа мия чурралари устидаги тери яққол морфологик полиморфизм билан тавсифланиши аниқланган. Spina bifida нинг алоҳида шакллари учун патогномик бўлган эпидермиснинг ўзига хос ўзгаришлари аниқланмади. Гиперпигментация ва гипертрихоз меланоцитлар ва тери ортиқлари сонининг ошиши билан боғлиқ (8-9-расмлар).




8-расм. Эпидермиснинг базал қатламида кўп сонли меланоцитлар кузатилган тери, менингоцеледа гиперпигментация. Г-Э 10-х 10.




9-расм. Кўп сонли соч фолликулалари кузатилган тери, менингоцеледа гипертрихоз. Г-Э 10-х 10.

Тери қопламларининг яраланиши яққол микроциркулятор бузилишлар, яллиғланиш инфильтрацияси, тўқималар ишемияси ва некрози билан кечади (10-11-расмлар).




10-расм.
Менингомиелоцистоцеледа эпидермис яхлитлигининг бузилиши кузатилган тери. Г-Э 10-х 10.




11-расм.
Менингомиелоцистоцеледа чурра халтаси терисининг яраланган қисми. Г-Э 10-х 10.

Орқа мия чурралари турли шакллариининг хос морфологик хусусиятлари аниқланди. Менингоцеледа чурра халтаси таркибида мия қаттиқ пардаси бўлаклари билан намоён бўлган парда тузилмалари устун бўлган. Менингорацикулоцеле учун орқа мия илдизларига мос келувчи асаб толалари

тутамларининг мавжудлиги хос (12-расм). Менингомиелоцеледа асаб тўқимасининг яққол зарарланиши ҳақида далолат берувчи келиб чиқиши нейроглиал бўлган полиморф ҳужайравий тўплалар аниқланади (13-расм).



12-расм. Чурра халтаси таркибида орқа мия илдизларининг бўлаклари Менингорадикулоцеле. Г-Э 10x10.



13-расм. Полигонал ҳужайралар гуруҳлари. Менингомиелоцеле. Г-Э 10x10.

